

МОНЕТАР СИЁСАТНИНГ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Ибодуллаев Ш.Т.

ТИФ Миллий банки ходими, PhD

Ф.Мишкиннинг фикрига кўра, Марказий банкнинг дисконт кредитлари ва очиқ бозор операциялари тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлашда муҳим ўрин тутди ва очиқ бозор операциялари монетар сиёсатнинг бошқа инструментларига нисбатан қуйидаги афзалликларга эга:

1. Очиқ бозор операциялари ҳажмини Марказий банк назорат қила олади. Масалан, дисконт кредитларининг ҳажмини Марказий банк тўғридан-тўғри назорат қила олмайди. Марказий банк дисконт ставкасини ўзгартириш йўлибилан дисконт кредитларига нисбатан тижорат банклари томонидан бўлган талабни ошириши ёки камайтириши мумкин.

2. Очиқ бозор операциялари мослашувчан ва аниқдир. Агар захираларни ёки монетар базани сезиларсиз даражада ўзгартириш талаб қилинса, кичик суммадаги қимматли қоғозни сотиб олиш ва сотиш йўли билан бунга эришиш мумкин.

3. Очиқ бозор операцияларини осон тўғрилаш мумкин. Агар очиқ бозор операцияларини амалга оширишда хатоликка йўл қўйилган бўлса, Марказий банк уни тезда бекор қилиши мумкин. Агар Марказий банк Марказий банк қарор қилсаки, Марказий банк очиқ бозордан жуда кўп сотиб олаётганлиги туфайли банклараро кредитларнинг фоиз ставкаси жуда паст, у ҳолда, Марказий банк тезда очиқ бозордаги сотиш ҳажмини оширади.

4. Очиқ бозор операциялари тезкор тарзда амалга оширилади. Агар Марказий банк монетар базани ўзгартирмоқчи бўлса, уеда тезда бу ҳақда бирламчи дилерларни хабардор қилади ва битим шу ондаёқ амалга оширилади⁸⁰.

Ҳақиқатдан ҳам, очиқ бозор операциялари тижорат банкларининг ликвидлилигига тезкор таъсир қилиш имконини беради. Марказий банк томонидан тўғри РЕПО операцияларини қўлланилиши тижорат банкларидааги ортиқча ликвидлик муаммосини ҳал қилиш имконини берса, тескари РЕПО операциялари улардаги баланслашмаган ликвидлик муаммосини ҳал қилиш имконини беради.

С.Моисеевнинг хулосасига кўра, Марказий банк тижорат банклари учун сўнгги поғонадаги кредитор ҳисобланади ва ушбу функциянинг

⁸⁰ Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. Пер. с англ. – М.% 000 «И.Д. Вильямс», 2013. – С. 485-486.

банкларнинг ликвидлигини таъминлашдаги роли Марказий банкнинг қуйидаги қарорларида намоён бўлади:

– ликвидлиликни фақат банк назорати органи молиявий ҳолатини қониқарли деб баҳолаган ишончли банкларга тақдим этиш;

– ликвидлиликни фақат ликвидли бозор гарови ёки нобозор гарови асосида тақдим этиш;

– ликвидлиликни бозор ставкаларидапн юқори бўлган фоиз ставкаларида тақдим этиш, ушбу қарор Марказий банкни бозорли молиялаштириш билан рақобат қилмаслиги учун қабул қилинади;

– ликвидлиликни барча банклар учун амал қиладиган умумий асосларда, умумий қоидалар бўйича тақдим этиш⁸¹.

С.Моисеевнинг мазкур хулосаси ҳозирги давр банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, 2008 йилнинг тўртинчи чорагида бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида АҚШ ва Европада Марказий банкларнинг кредитлари тижорат банкларидаги ликвидлилик инқирозини бартараф этишнинг ишончли воситасига айланди⁸²; иккинчидан, Марказий банкларнинг кредитлари ҳозирги даврда тижорат банклари орқали ўтадиган тўловларнинг узлуксизлигини таъминлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, банклар фаолиятини назорат қилувчи органларнинг талаби билан ўтказилган стресс-тестлаш тижорат банкларининг молиявий инқирозларга ва ноқулай макроиқтисодий ўзгаришларга чидамлилигини таъминлашда муҳим ўрин тутди⁸³. Чунки, макроиқтисодий ўзгаришларга ва инқирозга чидамли бўлган тижорат банкларигина иқтисодий цикллар давомида ишончли ва самарали молиявий воситачи вазифасини бажара олади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётнинг реал секторига кредитлар оқимининг узлуксизлигини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади⁸⁴.

Ж.Хенри ва С.Кокнинг фикрига кўра, умумий ҳолатда стресс-тестлашнинг асосий босқичлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

– биринчи босқич: қатъий, лекин ишонарли иқтисодий сценарийни ишлаб чиқиш;

– иккинчи босқич: молия институтларининг баланслари учун макроиқтисодий сценарийни микроиқтисодий оқибатларга узатилишини амалга ошириш;

⁸¹ Моисеев С.Р. Кредитор последней инстанции и его историческая ретроспектива//Банковское дело. – Москва, 2014. – №3. – С. 58-62.

⁸² Симановский А.Ю. Кризис и реформа регулирования: отдельные аспекты//Деньги и кредит. – Москва, 2010. – №12. – С. 7-15; Марченко Г.А. Банковская система Казахстана: уроки кризиса//Деньги и кредит. – Москва, 2010. – №4. – С. 27-28; Warwick J. McKibbin W.J., Stoeckel A. The Global Financial Crisis: Causes and Consequences//Working papers In international economics, 2009. – № 2. – 39 p.

⁸³ Kok, Ch., Mirza, H., Pancaro C. Macro Stress Testing Euro Area Banks’ Fees and Commissions. ECB Working Paper Series, 2017.- N 2029.

⁸⁴ Dees, S., Henry, J. and Martin, R., eds. (2017). STAMP€: Stress-Test Analytics for Macroprudential Purposes In the Euro Area. Frankfurt am Main: ECB.

– учинчи босқич: молия институтларининг стресс шароитидаги ҳатти-ҳаракатларига баҳо бериш;

– тўртинчи босқич: молиявий инфратузилманинг барқарорлик мезонларини аниқлаш;

– бешинчи босқич: натижалар тўғрисида маълумот бериш⁸⁵.

М.Борсукнинг хулосасига кўра, “Макроиқтисодий секинлашишнинг банк тизимининг барқарорлигига таъсирининг бир нечта каналлари мавжуд. Умумий ҳолатда иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши уй хўжаликлари ва корпорацияларнинг кредитларни қайтариш имкониятларини пасайтиради, бунинг оқибатида банкларнинг кредит портфелини сифати ёмонлашади. Бу қадрсизланган кредитлар учун яратиладиган захираларнинг кўпайиши ҳисобига даромадлиликни пасайишини англатади ва банк капиталининг етарлилик кўрсаткичларини ёмонлашишига олиб келиши мумкин. Айни вақтда, иқтисодий шароитлар банк маржасининг даражасига таъсир қилиши мумкин – масалан, иқтисодий фаолликнинг пасайиши кредитларга ва бошқа молиявий хизматларга бўлган талабни камайишига олиб келиши мумкин, бу эса, ўз навбатида, банкларнинг оладиган фойдасини камайтиради. Шунинг учун, келишилган макроиқтисодий доирада сценарийлар тайёрлангандан кейинги қадам бўлиб, молия муассасаларининг баланс ҳисоботларини ва фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботларининг натижаларини таҳлил қилиш ҳисобланади. Макроиқтисодий моделлар, одатда, банкларнинг ҳолатини баҳолаш учун чегаравий бўлган кредит rischi ёки фоиз маржаси каби молиявий ўзгарувчиларни ўз ичига олмайди. Шу сабабли, стресс-тестлашда макроиқтисодий кўрсаткичларни банкларнинг баланслари билан боғловчи сателлит моделлардан фойдаланилади”⁸⁶.

АҚШлик бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг хулосасига кўра, АҚШдаги инқироздан олдинги йилларда кредит миқдорининг гаров қийматига нисбати кўрсаткичи (Loan-To-Value, LTV) барқарорлигича қолган эди, бироқ, кредитнинг риск даражаси юқори бўлган кредит олувчиларда тўпланиш даражаси ошиб борди. Бу эса, муаммоли қарздорлик миқдорининг кескин ошишига олиб келди⁸⁷.

⁸⁵ Henry, J. and Kok, C., eds. (2013). A Macro Stress Testing Framework for Assessing Systemic Risks in the Banking Sector. ECB Occasional Paper Series, N 152.

⁸⁶ Борсук М. Прогнозирование чистой процентной маржи банков и коэффициентов резервирования на потери по ссудам в различных экономических сценариях: данные Польши // Деньги и кредит. – Москва, 2019. - №1. – с. 89 – 105.

⁸⁷ Aikman, D., Bridges, J., Kashyap, A. and Siegert, C. (2019). Would Macroprudential Regulation Have Prevented the Last Crisis? *Journal of Economic Perspectives*, 33(1), pp. 107–30. doi: 10.1257/jep.33.1.107.; Eichner, M., Kohn, D. L. and Palumbo, M. G. (2013). Financial Statistics for the United States and the Crisis: What Did They Get Right, What Did They Miss, and How Could They Change? In: C. R. Hulten and M. B. Reinsdorf, eds. *Measuring Wealth and Financial Intermediation and Their Links to the Real Economy*. University of Chicago Press, pp. 39–66.